O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki

# Пул-кредит сиёсати

**Самиғжон Иноғамов,**
Пул-кредит сиёсати департаменти

**2026 йил 12 февраль**



# РЕЖА

1. Пул-кредит сиёсати мақсадлари
2. Пул-кредит сиёсати режимлари
3. Ўзбекистонда пул-кредит сиёсати ривожланиш босқичлари ва инфляцион таргетлаш
4. Пул-кредит сиёсати қарор қабул қилиш жараёни

# ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ МАҚСАДЛАРИ

# Пул-кредит сиёсати

*бу **макроиқтисодий сиёсатнинг** бир қисми бўлиб, марказий банклар томонидан **анъанавий ва ноанъанавий инструментлар** воситасида **нархлар барқарорлигини** таъминлаш ҳамда **миллий валютага бўлган ишончни** мустаҳкамлаш орқали **барқарор иқтисодий ўсишни** рағбатлантириш мақсадида амалга ошириладиган сиёсатдир.*

- ***Марказий банклар томонидан юритилади***
- ***Мақсади - нархлар барқарорлигини таъминлаш***
- ***Пул-кредит сиёсати инструментлари орқали амалга оширилади***
- ***Ялпи талабни жиловлашга қаратилган***

# Пул-кредит сиёсати мақсадлари

- **Нархлар барқарорлиги**
- Паст даражадаги ишсизлик
- Юқори иқтисодий ўсиш
- Молиявий бозорлар барқарорлиги
- Фоиз ставкалари барқарорлиги
- Миллий валюта курси барқарорлиги

*Янги мақсадлар қўшилиши «мандатнинг кенгайиб кетиши» (mandate creep) хавфини юзага келтиради. Бир нечта мақсадлар мавжуд бўлган шароитда нархлар барқарорлиги устувор (асосий) мақсад бўлиб қолиши лозим.*

*Акс ҳолда, мақсадлар ўртасида зиддиятлар юзага келади ва пул-кредит сиёсатининг самарадорлиги пасаяди.*

# Пул-кредит сиёсати мақсадлари



# ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ РЕЖИМЛАРИ

# Пул-кредит сиёсати режимлари

## Инфляцияни таргетлаш

*асосий мақсад - нархлар барқарорлигига эришиш (инфляциянинг барқарор паст даражасини таъминлаш)*

## Монетар таргетлаш

*пул базаси, пул массаси ёки бошқа кўрсаткичларни таргетлаш орқали инфляциянинг паст даражасини таъминлаш*

## Валюта курсини таргетлаш

*миллий валюта курси барқарорлигини таъминлаш орқали инфляциянинг паст даражасини таъминлаш*

## Гибрид режим

*пул-кредит сиёсатини амалга оширишда турли режимлар стандартларидан фойдаланиш*

# Пул-кредит сиёсати трилеммаси: “Эришиб бўлмас учлик”

**Очиқ (эркин) капитал оқими**

Инфляцион таргетлаш режими (АҚШ, ЕМБ)

Қатъий бошқарилувчи валюта курси режимлари (ГонКонг)




**Мустақил пул-кредит сиёсати**

Қатъий валюта курси ва нисбатан ёпиқ капитал ҳисобварағи (Хитой)

**Ўзгармас (қатъий) валюта курси**

# Пул-кредит сиёсати режимлари




Бугунги кунда ХВЖ таснифига кўра 45 та мамлакатда инфляцион таргетлаш, 25 мамлакатда монетар таргетлаш, 81 та мамлакатда алмашув курси таргетлаш режимлари қўлланилади.

# Инфляцион таргетлаш режимининг тамойиллари

- Инфляция бўйича таргет белгиланади ва барча пул-кредит сиёсати чоралари ушбу таргетга эришишга қаратилади.
- Марказий банкнинг асосий ставкаси пул-кредит сиёсатининг асосий инструменти ҳисобланади.
- Пул-кредит сиёсати операцион механизми Марказий банк томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилади ва такомиллаштириб борилади.
- Пул-кредит сиёсатига оид қарорлар кенг қамровли макроиқтисодий таҳлил ва прогнозларга асосланади.
- Марказий банк валюта сиёсатини эркин сузувчи валюта курси режимида амалга оширади.
- Пул-кредит сиёсати шаффоф тарзда олиб борилади ва ҳар бир қарорлар кенг жамоатчиликка батафсил тушунтирилади.




***IT has done its job of fostering, institutionalising and making operational the public's and politics' support for price stability* (Claudio Borio, 2024).**

# Инфляцион таргетлаш режимида қарор қабул қилиш

**Қоидаларга асосланиш** – Тэйлор қоидаси:

$$i_t = i_t^n + \varphi_\pi (E_t \pi_{t+1} - \pi^T) + \varphi_y \tilde{y}_t + \varepsilon_t^i$$

**Дискрецион сиёсат** юритиш – эксперт баҳолашлар асосида сиёсатчилар томонидан қарор қабул қилиниши

***Inflation is always and everywhere a monetary phenomenon***

***Persistent high inflation is always and everywhere a fiscal phenomenon***





**Milton Friedman**

*the Nobel Prize in economics in 1976*

**Thomas Sargent**

*the Nobel Prize in economics in 2011*

# Ўзбекистонда пул-кредит сиёсати ривожланиш босқичлари ва инфляцион таргетлаш

# Инфляция динамикаси

*Йиллик, фоизда*






# Ўзбекистон Марказий банкининг трансформацияси

## 2017 йилдан олдин

- De jure **монетар таргетлаш**, de-facto **валюта курсини таргетлаш** (crawling peg);
- Пул-кредит сиёсати бўйича **қарорлар** асосан эксперт баҳолари асосида қабул қилинган;
- **Таҳлилий ва прогнозлаш воситаларининг** етарли даражада ривожланмаганлиги;
- Пул-кредит сиёсати трансмиссия механизми етарли даражада ривожланмаганлиги.

## 2017 йилдан кейин

- 2017 йил сентябрь – **Валюта бозорини либераллаштириш** (сузувчи валюта курси режими)
- 2019 йил ноябрь – **Инфляцион таргетлаш режими**
- 2018 йилдан – **Институционал салоҳиятни кучайтириш**
  - **аналитик ва моделлаштириш воситаларини ишлаб чиқиш**
  - пул-кредит сиёсати **инструментлари** ва **операцияларини** ишлаб чиқиш
  - пул-кредит сиёсатини **трансмиссия** механизмини ишлаб чиқиш
- 2020 йилдан - Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш (*Forecasting and Policy Analysis System*) тизимини жорий этиш
- Қоидаларга асосланган қарор қабул қилиш
- Фаол **Коммуникация Сиёсати**

# Инфляцион таргетлашга ўтиш

2019 - 5877-сонли Президент Фармони - **Инфляцион таргетлаш режими**

**Таргет:** **5% инфляция** *(2026 йил янв. - 7.2%)*

**Асосий инструмент:** **Асосий ставка** *(2026 йил янв. - 14%)*

2019 - Ўзбекистон Республикаси **Марказий банки тўғрисидаги Қонуннинг** янги таҳрири:

**Мақсад:** **Нархлар барқарорлиги,** банк ва тўлов тизимларининг барқарорлиги

**Марказий банк бошқаруви аъзолари:** 9 та, 2 нафари мустақил.

**Бошқарув йиғилишлари:** Йилига 8 марта, 4 та йиғилиш натижалари бўйича матбуот анжумани ўтказилади ва "Пул-кредит сиёсати шарҳи" эълон қилинади.

2022 - Ўзбекистон Конституциясига ўзгартиришлар киритилди :

**151-модда:** ...**Марказий банк** ўз вазифаларини бажаришда **мустақилдир**…

# Асосий ставка ва инфляция динамикаси

*фоизда*



# ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ

# Пул-кредит сиёсати қарорлари

## EXPANSIONARY

### (ялпи талабни оширувчи сиёсат)

- Инфляцияни оширади
- Иқтисодий ўсишни тезлаштиради
- Ишсизликни қисқартиради
- Иқтисодий циклларни фаоллаштиради
- Ноаниқликларни оширади
- Жамғармаларни қисқартиради

## CONTRACTIONARY

### (ялпи талабни камайтирувчи сиёсат)

- Инфляцияни пасайтиради
- Кредит пуфакларининг олдини олади
- Қарз кескин ошишининг олдини олади
- Жамғаришни қўллаб қувватлайди
- Жорий операциялар ҳисоби тақчиллигининг олдини олади




EXPANSIONARY
MONETARY POLICY
LOW INTEREST RATES
INFLATION
ECONOMIC GROWTH
RESTRICTIVE
MONETARY POLICY
HIGH INTEREST RATES
CURB INFLATION

# Пул-кредит сиёсатининг трансмиссияси




**Note:** Monetary policy transmission from interest rates to inflation involves “long and variable lags” (Milton Friedman).

# Макроиқтисодий таҳлил

**Жорий пул-кредит сиёсати бўйича қарор қабул қилишда**

- келажакда инфляция бўйича таргетга эришиш мақсадидан келиб чиқилади
- Пул-кредит сиёсати қарорлари маълум бир лаг билан таъсир қилади
- Ўтиб кетган макроиқтисодий жараёнларга таъсир этиб бўлмайди.



- **Истиқболга йўналтирилган (forward-looking)**

  - ✓ Жорий ҳолат ва яқин даврдаги ривожланиш
  - ✓ Ўрта муддат учун иқтисодий истиқбол
  - ✓ Фоиз ставкасининг келажакдаги траекторияси асосий мақсад билан мувофиқ бўлиши
  - ✓ Рискли/муқобил сценарийлар ишлаб чиқиш ва уларнинг таъсирларини прогнозлаштириш
  - ✓ Доимий прогноз қилиш => тизимли ишларни йўлга қўйиш => FPAS!

- **FPAS** (Forecasting and Policy analysis system)

Марказий банк бошқарувининг тўғри қарорлар қабул қилиши учун макроиқтисодий маълумотларни чуқур таҳлил қилиш ва прогнозлаш тизими.

# Асосий ставкани кўриб чиқиш бўйича иқтисодий таҳлил босқичлари

| | | |
|---|---|---|
| 1 | **Ташқи сектор таҳлили** | *Глобал иқтисодий ўсиш ва инфляцион жараёнлар, молиявий шароитлар, асосий савдо ҳамкор мамлакатлардаги иқтисодий ўзгаришлар (инфляция, фоиз ставкалари, ЯИМ ўсиши, валюта курслари ва ҳ.к.), жаҳон хомашё бозорлари таҳлили.* |
| 2 | **Ички иқтисодий шароитлар таҳлили** | *Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (ЯИМ ва унинг компонентлари ўзгариши, ишлаб чиқариш тафовути), меҳнат бозори индикаторлари, аҳоли даромадлари, тўлов баланси, халқаро захиралар.* |
| 3 | **Фискал сиёсат таҳлили** | *Бюджет даромадлари ва харажатлари ўзгариши, умумий фискал баланс, давлат қарзи (ички ва ташқи), фискал ҳолат (fiscal stance)* |
| 4 | **Монетар сектор таҳлили** | *Қисқа муддатли фоиз ставкалари ўзгариши (номинал ва реал), пул бозори ва пул-кредит инструментлари таҳлили, депозит ва кредитлар (қолдиғи ва ажратилиши) таҳлили, алмашув курси, монетар шароитлар индекси (monetary stance).* |
| 5 | **Инфляция таҳлили** | *Умумий ва базавий инфляция динамикаси таҳлили (ойлик, йиллик, мавсумий тозаланган), инфляцион хатарлар, инфляциянинг талаб ва таклиф омиллари таҳлили; инфляциянинг компонентлари ўзгариши* |
| 6 | **Секторлар таҳлилларини умумлаштириш** | *Секторлар таҳлилидан олинган хулосаларни бирлаштириш ва барча секторларни ўзаро боғловчи иқтисодий мантиқни шакллантириш.* |

# Пул-кредит сиёсати бўйича қарорлар қабул қилиш

## Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш

Асосий тамойил: Далиллар ва маълумотларга асосланган, истиқболга йўналтирилган ёндашув

**Бошқарув йиғилиши - йилига 8 маротаба**

**1. Дастлабки таҳлил**

Мавжуд макроиқтисодий шароитларнинг секторал таҳлили ва жорий иқтисодий ҳолатни баҳолаш

**2. Сценарий ва Прогнозни ишлаб чиқиш**

Сценарийларни ишлаб чиқиш ва қисқа муддатли ва ўрта муддатли прогнозлаш

**3. Ички Прогноз Муҳокамаси**

Дастлабки прогноз натижаларини Тадқиқот ва статистика бўлимлари ва раис ўринбосари билан муҳокама қилиш

**4. Прогнозни янгилаш ва тақдим этиш**

Прогнозларни янгилаш (агар керак бўлса) ва Кредит қўмитасига тақдим этиш

**5. Сиёсатни мувофиқлаштириш**

Макроиқтисодий прогнозларни мувофиқлаштиришни таъминлаш ва ПКС инструментлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш

**6. Якуний қарор**

Сиёсат ставкасини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш бўйича Бошқарув йиғилиши

# Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш инструментлари

## Асосий ишчи модел

Ўрта муддатли прогнозлаш модели – QPM (2019-2022)
NK SOE gap model, 229 тенглама, 8 иқтисодий блок, даврийлиги – чораклик.

## Қисқа муддатли моделлар

- **Инфляцияни прогнозлаш** учун disaggregated ARIMA модели (2018)
- **BVAR -** Инфляцияни прогнозлаш (2021)
- **DFM** - ЯИМнинг ўсиши (2022)
- **FPPга асосланган** модел(2021-2022)
- **MIDAS**- ЯИМнинг ўсиши (2023)
- **LBVAR**- 20 дан ортиқ кўрсаткичлар (2025)

## Таркибий макроиқтисодий модел

**DSGE** Ўзбекистон иқтисодиёти учун модел– **BIRIM** (2022-2024)
NK SOE structural model, 235 тенглама, 7 иқтисодий блок, даврийлиги – йиллик.

# Пул-кредит сиёсати коммуникацияси

## АСОСИЙ НАШРЛАР

- Асосий ставка бўйича пресс-релизлар (йилда 7 марта)
- Пул-кредит сиёсати шарҳи (4 та)
- Пул-кредит сиёсатининг 2026-2028 йилларга мўлжалланган асосий йўналишлари
- МБ Раиси маърузаси ва пресс брифинг презентациялари (4 та)

## ОЙЛИК НАШРЛАР

- Умумий инфляция ва базавий инфляция бўйича инфографикалар
- Инфляцион кутилмалар ва сезилган инфляция инфографикаси (12 та)

## ЧОРАКЛИК НАШРЛАР

- Пул бозори ва ликвидлик шарҳи (4 та)
- Кўчмас мулк бозори шарҳи (4 та)
- Меҳнат бозори шарҳи (4 та)
- Бизнес кайфияти шарҳи (4 та)
- Аҳоли истеъмол кайфияти шарҳи (4 та)

## ТАДҚИҚОТ ВА ТАҲЛИЛЛАР

- Ижтимоий муҳим турдаги истемол товарлари нархлари бўйича тадқиқот ва таҳлиллар (6 та)
- Макроиқтисодиётга ва пул-кредит сиёсатига оид таҳлил ва тадқиқотлар (4 та)

***Эътиборингиз учун раҳмат!***